



Ishonch

МОҲИАТ


Хар бир одам бой бўлса, давлат бой бўлади, хар бир оила обод бўлса, мамлакат обод бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси нашри

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Бошлангич ташкилот байрам арафасида



1969 йилдан кенг қўламли мрамар қазииш ва жойларга узлуксиз етказиб бериш билан шуғулланган-да, ишимиз самараси, эришган натижаларимиз алоҳида қайд қилинганини эслай олмайман. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, кўрагимизга шамол тегди. 1994 йилнинг 18 ноябидан Давлат мулки қўмитаси томонидан корхонамиз акциядорлик жамиятига айлантирилиб, қатор имтиёзлар учун эшиклар очилди. Айни дамда чет эллик акциядорларимиз билан яқин ҳамкорликда ишларни тубдан ривожлантириш чораларини кўрмоқдамиз.



Мрамар жишлолари

Асосий фаолиятимиз сара мрамар қазиб чиқаришдан иборат. Жамиятимиз таркибига олтига шўба корхона бирлашган. Авваллари мрамар харсангини портлатиш йўли билан қазиб олардик. Бу эса қўimmatбахо жисмининг муайян қисми исроф бўлишига олиб келарди. Кейинги йилларда Россия ва Италия технологиялари асосида қазииш ишларини йўлга қўйганмиз.

«Фозгонмрамар» акциядорлик жамияти билан касба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномаси асосида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Айниқса, ишчи-ходимлар меҳнатининг қадрланиши, меҳнатни муҳофаза қилиши, иш ҳақи кафолатлари жамоа шартномасининг 11 та бобида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Кўзларни қувонтиради

Айни пайтда жамиятда 206 нафар ишчи-хизматчи фаолият юритмоқда. Уларнинг эркин меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Жамият раиси Шавкат Раҳматов ва бош муҳандис Махмуджон Шарофатовлар билан фикримиз бир жойдан чиқётгани хайри сарф-харажатларга йўл очиб бермоқда. Шу босдан аънаваный байрамлар, тадбирлар арафасида юқори кўрсаткич соҳиблари, кам таъминланган оила

аъзоларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқдамиз. Жамиятда ишлаб, ҳозирги кунда нафақага чиққан хар бир фуқаро ана шундай байрам ва тадбирларда йўқланапти. Спорт ишларини жонлантириш, ходимларнинг тўй-маъракалари ва чиқётгани хайри сарф-харажатларга йўл очиб бермоқда. Шу босдан аънаваный байрамлар, тадбирлар арафасида юқори кўрсаткич соҳиблари, кам таъминланган оила

Шонли юбилей тобора яқинлашар экан, ўзимча ўйлайман. Ҳадсиз бой-

ликларни ҳада этган табиатнинг бизга атаганларининг қийси йўқ. Ён-атрофимизда қурилаётган барча иморатлар соф мрамардан тикланапти. Азал-азалдан ривожланиб келган тоштарошлик, тош ўймакорлиги санъати «Устоз-шоғирд» аънавалари асосида йилдан-йилга ривожланапти. Бугунги кунда Фозгоннинг турфа рангда жишлолануви сара мрамарларига эҳтиёж катта. Озарбайжон, Россия, Украина, Қозоғистон сингари кўпги-

на ҳамдўстлик мамлакатларига буюртма асосида рангин харсанглар етказиб берилапти. Москва, Киев, Петербург шаҳарларининг метролари, қўллаб замонавий биноларини безаб турган тошлар арзон ва сифатли Фозгон мрамарларидан.

Абдусодиқ МУҲАММЕДОВ, «Фозгонмрамар» акциядорлик жамияти касба уюшма қўмитаси раиси

Янги кун ангилликлари

Элга хизмат — олий ҳиммат

Жиззахликлар учун бугун ахборот-коммуникация, суғурта, сайёҳлик, банк каби ўнлаб аънаваный сервис хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган. Сўнгги уч йилда тўрт мингдан ортиқ хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсата бошлади. Бу аҳоли бандлигини таъминлашда қўл келмоқда.

Тармоққа тадбиркорларнинг уч миллиард сўмлик маблағи жалб этилди. Жиззах шаҳрида йилнинг ўтган олти ойида 72 миллиард сўмлик капитал қўйилма ўзлаштирилиб, 52 та хизмат кўрсатиш объекти ишга тушди. 5472 та янги иш ўрни яратилди.

Биргина тадбиркор Хасан Аҳмедов 40 ўринли «Ойбек клиникаси» фаолиятини йўлга қўйиб, 15 кишининг бандлигини таъминлади.

Ўтган олти ойда вилоятда 350 та сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Аҳолига 300 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Тармоқда мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Қалдирғочлар

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган йилда Навоий Давлат қончилиқ институтини 905 нафар бакалавр, 48 нафар магистр тугатди. 550 нафар битирувчи ҳозирда ноқ вилоятдаги йирик корхоналардан ўз мутахассисликлари бўйича иш топдилар.

Яқинда мазкур даргоҳ талабаларига диплом топириш маросими бўлиб ўтди. Институт ректори мустақил ҳаётга учирма бўлаётган ёшларга муваффақиятлар тилади. «Фарҳод» маданият саройи бандий жамоаларининг концерт дастури тадбирга тароват бағишлади.

Усмон ЙЎЛДОШЕВ

Чорвадор қизларнинг янги касби

Ота-боболари чорвачилиқ билан шуғулланиб келган «Нишон» қоракўчлик хўжалигида тадбиркор Гузал Эллиева ташаббуси билан ташкил этилган «Гўзал» хусусий корхонасида хунармандлар сони 15 нафарга өтди.

Эндилликда бу ерга замонавий тикув машиналари келтирилиб, миллий либослар, болалар ва ўсмирлар учун кийим-кечаклар, уйлар ҳамда ишоналарга кўр бағишлайдиган турфа гуллар тайёрланмоқда.

Равно Абдуллаева, Нигора Холикова, Лобар Туропова, Азиза Хақулова каби қўли гул тикувчилар, миллий каштачил ва бисерлик санъатини пухта эгаллаган Шаҳноза Раҳимова, Зебо Хидирова, Дилсўз Сатторова, Лобар Тожиёва, ранг-баранг тусдаги суний гуллар дизайни усталари Гузал Эллиева ва Дилбар Туроповаларнинг маҳоратига тан берариз.

Изаат ХИКМАТОВ

Касаба уюшма қабулхонасида


Майрам ЭРКАЕВА, «Жиззахпластмасса» ОАЖ ишчиси: — Кўп йиллар қуювчи-ишчи бўлиб ишладим. Бирок, иш жараёнида ўнг қўлимни дастгоҳ қисиб қолиши натижасида иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Маъмуриятга бир неча бор мурожаатимга қарамай, тоvon пули тўлашни турли баҳоналар билан пайсалга солишди. Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, бўлим мудир Абдурауф Сангилов аризамни ўрганиб чиқиб, ижобий ҳал этди. Касаба уюшма аралашуви билан менга икки миллион икки юз минг сўмлик тоvon пули ундириб берилди. Ҳақ-хуқуқимизни ҳимоялайдиган жамоа ташкилотидан миннатдорман.

Иримкул ХОЛИКУЛОВ, «Жиззах LRS пласт» қўшма корхонаси мутахассиси: — Қўшма корхонада транспорт мутахассиси бўлиб ишлайман. Иш беришчи мени ноқонуний ишдан бўшатди. Қонуний ҳақ-хуқуқимни тиклаб беришларини сўраб вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаат қилдим. Тажрибали хуқуқшунос Ш.Тожибоев ишни ўрганиб чиққач, аввалги вазифамга тикландим. Бекор юрган даврим учун 551.899 сўм ундириб берилди. Касаба уюшма ташкилати унинг жонкуяр ходимларига раҳмат!

Кўнгилдан бошланган ободлик

Бугун Урганч боғу роғлар шахрига айланмоқда. Самолётдан тушиб, аэропортдан шахар томон йўл олган хар қандай меҳмон бунга амин бўлади. Чунки, шахар марказига бошловчи йўлнинг икки томонида Ал-Хоразмий ва Ал-Беруний номидаги боғлар салобат тўкиб турибди. Боғларга ташриф, шубҳасиз, икки буюк бобомизнинг ҳайкалини зиёрат қилиш билан бошланади. Бу бетақрор Хоразм руҳини, ўтмиши ва бугунини, келажagini ҳис қилиш имконини беради.

УРГАНЧ БОҒЛАРИ



Бугун Хоразмда бир эмас, ўнлаб шу каби боғлар барпо этилган. Уларни бирлаштирувчи икки жиҳат бор. Биринчиси, барчаси Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган. Иккинчиси, улар буюк аждодларимиз номи билан аталади. Жамаҳирий, Намиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди... Бундай номланиш Хоразмда нақадар кўп мўтабар зотлар яшаб ўтганлигига ишора, айни пайтда авлодларнинг аждодларга бўлган ҳурмат-эҳтироми ҳамдир. — Хоразмда бундан 200 йил муқаддам бунёд этилган муаззам «Улибоб»нинг таърифу тавсифи тиллардан тилларга ўтиб, бугунги кунгача етиб келган. Майдон 100 таноб (40 гектар) бўлган бу хушхаво маскан ўзининг беқиёс тарихи, мевали дарахт-

ларнинг қўплиги, булбуллару бошқа сайроқи кушларнинг бири олиб, бири қўйиб сайраб туришлари билан жозибдор бўлган. Унда қадимий воҳога мансуб барча мевали дарахтлар ўсган,— дейди шоир ва публицист, «Урганч оқшоми» газетаси бош муҳаррири Сотим Аваз. — «Улибоб» бир аср умр кўрди. Ўтган асрнинг бошларида у қаровсиз қолди. Гўё тарихий қисмати шу билан тугагандек эди. Аммо мустақиллик боис орадан яна бир аср ўтиб, тарихий ҳақиқат қайта тикланди.

Дарҳақиқат, истиқлол Хоразм боғларига иккинчи ҳаёт бағишлади. Қачонлардир автобусда йўлдош бўлган аёлнинг ҳижоиси ёдимга тушади беихтиёр. — Мен келин бўлиб тулган хонадон томоқаси бугунгача боғ эди. Қўшнилариимиз эса қишлоқ хўжалиқ экинлари экиб, мўмай даромад қилишарди. Биз ҳам меваларни сотайлик десак, қайнотам қўймасди. Қариндош-уруғларга, қўни-қўшилларга теккинг берадди. Турмуш ўртоғим иккаламиз қайнотамни қариндошлариникига меҳмонга юбордик. У келгунча боғдаги ҳамма мевали дай-

рахтларни чопиб, ерни ҳайдашиб қўйдик. Қайнотам икки-уч кунда қайтиб келди. Бизни роса койиса керак, деб турли баҳоналарни тайёрлаб қўйгандик. Ахир, мева дегани арзон нарса бўлса, бу ердан қанча картошка, помидор етиштириб, қанча даромад қилиш мумкин... Қайнотам чурк этмади. Аммо рангларни оқариб, лаблари пирпираб, кўзларидан ёш думалади. Менга қараб бошини чайқайди. Бечора шу кунни тўшака михланди. Ўн кунга, етиб-етмай вафот этди. Афсуски, ўша майдондан биз қўшилариимиз каби даромад ололмадик. Қилган хатомизни жуда кеч англадик.

Ҳа, ўтган асрнинг 80-90-йилларида бу каби воқеалар турли доирада, турли даражада озмунча рўй бермадими ахир! Не бахти, истиқлол хатоларни тўғрилаш имконини яратди. Юртимизда жаннатларга қиёс боғлар кун сайин кўпаймоқда.

— Боғлар ва улардаги ёдгорликлар азиз зиёратгоҳларга, қутлуг тадбирлар ўтказиладиган масканларга айланиб қолганлиги ҳам эътиборга лойиқ,— дейди Сотим Аваз. — Келин-кўвлар, олий ҳамда ўрта махсус ўқув юрталарни тамомлаб, қўнларига етуллик ҳужжатларини олган, мустақил иш фаолиятини бошлаётган, харбийга бораётган ёшлар учун бу боғлар, ай-

Муҳаббат ТУРАБОВА, «Ishonch» мухбири

Ягонасан, муқаддас Ватан

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори кўллаб жамоат ташкилотлари қатори агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси вилоят кенгашининг барча даражадаги бўғинлари фаолиятига кўтаринки руҳ олиб кирди.



Тўйга тўёна билан

Аслида, улуг байрамга тайёргарлик Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг V Курултойидан сўнг бошланган эди. «Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига 20 тул кўчат — менинг тўхфам» шiori шарофати билан жорий йилнинг ўтган даврида 2366 гектар янги боғ ҳамда 1573 гектар тоқзор барпо этилди. Фермер хўжаликлари томонидан 1632 гектар боғ, 752 гектар тоқзор реконструкция қилинди. Фуқароларимиз томонидан экиланган кўчат 20 миллион дондан ошиб кетди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, касабани уюшма фаоллари ташаббус муаллифлари сифатида амалга оширилган ишлар мониторингини юритиб, назоратни кучайтиришмоқда.

Жорий йилда меҳнатқашларнинг 4652 нафар фарзанди ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди. Шундан 1575 нафари кам

таъминланган оила фарзандлари бўлиб, улар имтиёзли дам олдирилди.

Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб «Кимёгар» оромгоҳида «Ватан — муқаддас», «Биз юртимизнинг соғлом ва баркамол авлодимиз» мавзуларида кўшиқлар танлови ўтказилди. «Гулнора», «Зебунисо», «Ёшлик» оромгоҳларида «Бу муқаддас заминда азиздир инсон», «Ватан — азиз, ватан — муқаддас» мавзуларида адабиёт ва санъат намояндалари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этилди.

Давлат мустақиллигига бағишланган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари меҳнат жамоаларида ҳам бўлиб ўтмоқда. «Косон — ёғэкстракция» ОХЖда «Мустақиллик берган имконият ва неъматлар» мавзуида суҳбат ва бадиий кеча уюштирилди.

Байрам муносабати билан юртимизнинг тарихий ва муқаддас қадимжолари, мустақиллик йилларида барпо этилган гўзал маскан ва иншоотларга саёҳатлар уюштирилмоқда. «Дунё-М» ОХЖ, «Қаршиё» ОХЖ, пахта тозалаш ва бошқа корхоналарнинг 200 нафардан ошмиқ ходимлари Тошкент, Самарқанд, Шаҳри-сабз, Бухоро шаҳарларида бўлиб қайтилар.

Касабани уюшма ташкилотлари томонидан меҳнат жамоаларида, ёшлар оромгоҳларида байрам акциялари уюштирилмоқда. Агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси

тармоқ спартакиадасига касабани уюшмаси вакилларининг иштирокини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Байрам арафасида жамоат шартномалари орқали корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларини ўқув қуроллари ҳамда дарсликлар билан таъминлаш, меҳнат фахрийларини байрам билан қутлаш ва уларга моддий-маънавий кўмак беришни режалаштирганмиз.

И. САБДАРОВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси

«Биз — бунёдкор халқимиз!» фототанловига



Сулоланинг муносиб вакили

Косонлик Санжар Бобоев ота-боболари касбини давом эттириб келаётган темирчи-усталардан. Қашқадарё вилоятининг Пўлати шаҳарчаси Калдарё маҳалласида яшайдиган уста темирдан ўттиздан ортиқ турдаги уй-рўзгор ҳамда қишлоқ хўжалиги буюмларини тайёрлайди. Унинг пухта ва сифатли ишланган буюмлари аҳоли, айниқса, деҳқон ва фермерлар ўртасида харидордир. Уста, шунингдек, устоз-шогирд анъаналари асосида кўллаб ёшларга хунарининг сирларини ўргатмоқда.

Суратда: уста Санжар Бобоев. Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Хабар

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Андижон вилоятида «Ҳеч ким меҳримиздан четда қолмасин!» шiori остида соғломлаштириш ҳафталиги ўтказилмоқда. Тадбир доирасида пойтахтдан келган тажрибали шифокорлар вилоятнинг малакали мутахассислари иштирокида даволаш-профилактика ишларини олиб бормоқда.

Меҳр ва саломатлик ҳафталиги

Тиббиёт ходимлари туман марказий поликлиникаларида замонавий диагностика аппарати ёрдамида аҳолини кўриқдан ўтказиш. Аниқланган касалликлар бўйича даволашни учун йўланма берилади. Асосий эътибор сурункали касалликка чалинган беморларга қаратилади. Ҳафталик давомида ўтказиладиган барча тиббий диагностика ва лаборатория текширувлари бепул амалга оширилади. Тадбир қатнашчилари биринчи иш кунини Кўргонтепа туманида ўтказди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

«Усто-шогирд» анъанаси асосида

Ишлаб чиқариш амалиёти мутахассислар етуклиги учун кафолат бўлмоқда

Ёшларни, айниқса, олий ва ўрта-максус таълим ўқув муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга катта эътибор берилляпти. — Бу борада Тошкент шаҳар автомобил йўллари ва касб-хунар коллежида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Транспор, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари

касабани уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Абдулазиз Мавлонов. — Масалан, мазкур ўқув масканида чора-тадбирлар Дастури тузилган бўлиб, коллеж ўқувчилари ва битирувчиларининг маънавий-маърифий савияларини ошириш ҳамда «Усто-шогирд» анъанасини жорий этиш учун алоҳида бўлим ажратилган. Жорий йилнинг 7 ойда

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига қарашли корхона ва ташкилотларда, шу жумладан, 1-, 2-, 3-, 5-, 7-, 8-, 18-автобус саройларида, 2519-автожамланмасида, 13 та йирик корхонада амалиёт ўтаётган ўқувчилар сони 832 нафарни ташкил этди. Улардан 411 нафари 2-босқич, 421 нафари эса 3-босқич ўқувчиларидир.

Касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашда бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундан бири «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг 2519-сонли автожамланмасида ташкил этилди. Унда иштирок этган битирувчиларнинг 49 нафари ишга жойлашди.



Ёш авлодни комил инсон этиб тарбиялашда ўқув юрларининг тутган ўрни бекиёс. Мазкур йўналишда Бухоро ирригация ва мелiorация коллежида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

«Автоматлаштирилган сув хўжалиги иншоотларини монтаж қилиш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш техникаси», «Кинолог» каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда, — дейди коллеж касабани уюшма кўмитаси раиси Фулом Ғайбуллаев. — 2010-2011 ўқув йилида таълим муассасасини 283 нафар ёш битириб чиқди. Уларни иш билан таъминлашда «Усто-шогирд» анъанаси кўл келмоқда.

Дарҳақиқат, ўқувчиларнинг амалиётини ташкил этиш ва битирувчилари барқарор иш билан таъминлаш мақсадида уч томонлама шартнома ишлаб чиқилган. Ушбу ҳамкорликнинг самараси Улароқ коллежининг 286 нафар ўқувчиси иш билан таъминланди. Уларнинг 22 нафари олий ўқув юрларига ҳужжат топширди.

Р. НЕЪМАТОВ Суратларида: коллеж ўқувчилари амалиёт даврида

«Энг намунали бошланғич ташкилот»

Кўрик-танлов шартига кўра, касабани уюшма ташкилотларида мажлис ҳамда йигилишлар ўтказиш жараёнида Устав талабларига қандай риоя этилганлиги, жорий ҳамда келгуси иш режалари мазмунини сифат жиҳатдан яхшилаш, янги аъзоларни жалб этиш юзасидан қандай иш олиб борилаётгани, жамоат шартномаларини сифати ва ҳаётда қай тарзда амалга оширилаётгани масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Яқунловчи босқичга йўл олишди

Шунингдек, касабани уюшмалари қошидаги комиссиялар фаолиятини сифат жиҳатдан яхшилаш, касабани уюшма ташкилотларининг бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш жараёнидаги иштироки ҳам жиддий таҳлил этилди. Кўрик-танлов тўрт босқичда бўлиб ўтди. Дастлабки босқич бошланғич ташкилотлар ўртасида, иккинчи босқич тармоқ касабани уюшмасининг шаҳар, вилоят кенгашлари иштирокида, кейинги босқич эса тармоқ касабани уюшмаси Марказий кенгашлари томонидан ўтказилди.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги кўрик-танлов низоҳатида бахсларга бой бўлди. 1-ўрин очик акциядорлик тижорат

банки «Агробанк»нинг Бухоро вилоят филиали бошқармаси бошланғич ташкилотига берилди. Иккинчи ўрин Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси Енгин хавфсизлиги бошқармаси касабани уюшма ташкилотига насиб этди. Учинчи ўринга эса Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарда» бўлиб ўтди. Дастлабки босқич бошланғич ташкилотлар ўртасида, иккинчи босқич тармоқ касабани уюшмасининг шаҳар, вилоят кенгашлари иштирокида, кейинги босқич эса тармоқ касабани уюшмаси Марказий кенгашлари томонидан ўтказилди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

— Коллежимизда 7 та мутахассислик — «Гидромелиоратив ишлар, машина ва механизмларни ишлатиш ҳамда техник хизмат кўрсатиш», «Сугорилидиган ерлар мелiorатив техникаси», «Кадастр иши инспектори»,


пунктининг бошланғич ташкилоти 2-ўрин, Бухоро вилояти Фижудон тумани тиббиёт бирлашмаси касабани уюшма кўмитаси 3-ўринга лойиқ топилди.

Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгашига қарашли «Ўзметкомбинат» очик акциядорлик жамияти бошланғич ташкилоти 1-ўринни эгаллади.

Барча биринчи ўринни эгаллаган бошланғич касабани уюшма ташкилотлари ЎзқуФК томонидан ўтказиладиган финал босқичига йўл олишди. Кўрик-танловнинг республика босқичи ғолибларини эълон қилиш ва тақдирлаш мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида ўтказилди.

«Вотаника» санаторийси масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*Азиз халқимиз ва соҳа ходимларини
Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги
билан қутлайди.*



*Юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги
эзгу ишларида юртдошларимизга
сиҳат-саломатлик, ҳуш кайфият,
дастурхонларига тўкинлик тилайди.
Озодлик шукҳи ва истиқлол
нури қалбингизни то абад
мунаввар этаверсин!*



Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

**Бунёдкор халқимизни
Мустақилликнинг
20 йиллик
байрами билан
табриклайди.**

*Ватанга чекеиз муҳаббат, ифтихор,
хушнудлик ва масъулият ҳисслари мудом
қўнғилиғини яшнатиб турсин.*

«Республика Қўчас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, туман Давлат Солиқ инспекцияларига тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Бектемир тумани Давлат солиқ инспекциясининг 05.08.2011 йилдаги 217-сонли буйруғига асосан, инспекцияга тегишли, Тошкент шаҳар Бектемир тумани, Хусайн Бойжоро кўчаси, 92-ўйда сақланаётган, «Нексия» русумли, 1997 йил и/ч, д/р 01/220FBA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 554 013 сўм.
2. Миробод тумани Давлат солиқ инспекциясининг 04.08.2011 йилдаги 292-сонли буйруғига асосан, инспекцияга тегишли, Тошкент шаҳар Нукус кўчаси, 23-«А» ўйда сақланаётган:
 - 1) «Нексия» русумли, 1998 йил и/ч, д/р 01 976 MBA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 773 923 сўм.
 - 2) «Нексия» русумли, 1999 йил и/ч, д/р 01 122 NBA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 869 759 сўм.
3. Учтепа тумани Давлат солиқ инспекциясининг 01.08.2011 йилдаги 189-сонли буйруғига асосан, инспекцияга тегишли, Тошкент шаҳар Чилонзор ҳаҳаси, 26-мавзое, М.Шайхондор кўчаси, 1-«А» ўйда сақланаётган, «Нексия» русумли, 1999 йил и/ч, д/р 10AP227 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 869 759 сўм.
4. Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекциясининг 02.08.2011 йилдаги 155-сонли буйруғига асосан, инспекцияга тегишли, Тошкент шаҳар Бунёдкор кўчаси, «С» ҳаҳаси, 51-«А» ўйда сақланаётган, «Нексия» русумли, 1999 йил и/ч, д/р 01 105 JAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 869 759 сўм.
5. Шайхондор тумани Давлат солиқ инспекциясининг 05.08.2011 йилдаги 324-сонли буйруғига асосан, инспекцияга тегишли, Тошкент шаҳар Навоий кўчаси, 7-«А» ўйда сақланаётган, «Нексия» русумли, 1999 йил и/ч, д/р 01 208 GAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 932 767 сўм.
6. Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекциясининг 05.08.2011 йилдаги 186-сонли буйруғига асосан, инспекцияга тегишли, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 95-ўйда сақланаётган, «Нексия» русумли, 1996 йил и/ч, д/р 10AQ049 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 525 842 сўм.
7. Яқасарой тумани Давлат солиқ инспекциясининг 05.08.2011 йилдаги 186-сонли буйруғига асосан, инспекцияга тегишли, Тошкент шаҳар Фарход кўчаси, 6-«А» ўйда сақланаётган, «Нексия» русумли, 1999 йил и/ч, д/р 01 616 MBA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 869 759 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 14 сентябр кунини соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридagi автотранспорт воситалари 2011 йил 14 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 21 ва 28 сентябр кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамга тўлаши шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»-ўй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

«Республика Қўчас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, «Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастр хизмати» ДУКнинг 13.07.2011 йилдаги 41-сонли буйруғига асосан, «Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчас мулк кадастр хизмати» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳар Шайхондор тумани, Навоий кўчаси 2-«А»-ўй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 1) «ГАЗ-3102» Волга русумли, 2000 йил и/ч, д/р 01/066 QBA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 425 000 сўм;
- 2) «Тико» русумли, 1998 йил и/ч, д/р 01/585 OBA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 008 900 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 12 сентябр кунини соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридagi автотранспорт воситалари 2011 йил 12 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 19 ва 26 сентябр кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамга тўлаши шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»-ўй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Истиқлолнинг 20 йиллиги олдидан

Бутун кунни гуллар оғушида ўтказишни тасаввур қиласизми? Нилуфарлар, Лолалар, Гулбахорлар кўзингизнигина эмас, кўнглингизни ҳам қувнатган онлар бахтга шу қадар яқинлигини...

Бу онлар

шуккуҳи ўзгача

«Бир спартакиадага оммавийлик тусини бериб, муболага қилмайсизми?» деган ўй кечди шекилли кўнглингиздан. Шубҳангизни тарқатиш учун яна бир воқеани айтиб ўтай.

ҳамда бир ярим ёшли қизалоғим Мухтасархон билан келдик. Уларнинг далдаси менга куч бераётди. Ўйиндаги яхши иштироким ҳам шундандир...

кувончлари етиб борарди дегани. — Албатта, бу кайфият голиблик нашидасига уланса, нур устига нур бўлади...



Кўпнинг ҳавасини келтирган спартакиададан бевосита кузатиш имкони туғилди-ю, пахтакор амакининг айтганлари бежизмаслигини тушуиндим.

Волейболчиларни кузатамиз. «Ошир!» «Юқорига!» «Қаттиқроқ зарба бер!»... Бу ҳайқириклар кўрсатмаларгина эмас, спортчи учун муҳлисларнинг тенгсиз далдаси ҳам.

— Кўпчилик қайноналар бошқароқ йўл тутган бўларди, шекилли, — дейман Одинахон опага. — Балки, аммо ёшларнинг қизиқиши билан ҳам ҳисоблашни керак.

— Бундай мусобақаларни бир неча марта ташкил этганмиз, аммо ҳар гал таассурот ўзгача бўлади, — дейди биз билан суҳбатда Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши раиси Розахон Деҳқонова.

— Бундай мусобақаларни бир неча марта ташкил этганмиз, аммо ҳар гал таассурот ўзгача бўлади, — дейди биз билан суҳбатда Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши раиси Розахон Деҳқонова.

— Бундай мусобақаларни бир неча марта ташкил этганмиз, аммо ҳар гал таассурот ўзгача бўлади, — дейди биз билан суҳбатда Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши раиси Розахон Деҳқонова.

димлар ҳуқуқ ва манфаатларини елкамизни қисмасдан қолмаётган бўлиши учун қилаётган саёй-ҳаракатларимизнинг натижасини кўрмоқдамиз. «Соғлом она — соғлом бола» деб ном олган спартакиада ҳам шу интилиш самараси.

Сўзимиз аввалида гулларга бурканган кун ҳақида фикр юритган эдик. Гулларга гул тутқазилган тантананинг ёпилиш маросимиди уларнинг юзиди қувончлар ял-ёл ёнди, дейиш мумкин.

Дилнора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кун



«Қулоқ»нинг ўғли

Ҳўжам бобо Бердиев 1915 йил 1 июлда Шахрисабзнинг сўлим ғўшаларидан бўлиш Мироқида полвонлар оиласида туғилди.

Шўролар ҳокимиятининг шафқатсиз зулми бу оилани ҳам четлаб ўтмади. Берди бобо биринчилардан бўлиб «қулоқ» қилинди: мол-мулки мусодара этилиб, узоқ муддатга қамалди.

Аълочи ўқувчи бўлган ёш Ҳўжам «қулоқ»нинг ўғли деб, мактабдан ҳайдалди. Начора, ўқишга ҳаваси қулилиги учун ўтилган дарсларни синфдошларидан сўраб билиб юрди.

Иккинчи жаҳон уруши бўшланганида, кўнглиллар қаторида урушга бориш учун ҳарбий комиссариатга борди.

Урушдан кейин «Катта Фарғона», «Фарҳод», «Зарафшон» канали, «Қарши» магистрал каналларини қазий ишларида, чўл ерларга об-ҳаёт келтиришда фаол қатнашди.

Меҳнатда тобланган, жамоат ишларини ўз ташвиши деб билган бу инсоннинг катта бир армони бор эди.

Унинг етолмаган орзуларига болалари эришди. Ота тарбиясини олган фарзандларнинг бири ўқитувчи, бири тадбиркор, қолганлари фермер бўлиб, элнинг олди одамлари қаторидан жой олишди.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83400 га тўлашлари шарт.

Очк қуқон савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтаилади.

Муурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: ДВ 001 №0000003

Тарбия мактаби

Қобилиятли одамни тарбия қилмаслик — зулмкорлик, ноқобил одамга тарбия бериш эса ҳайфдир. Тарбиянинг аяб бунисини нобуд қилма, тарбиянинг унисига зое кеткизма.

Алишер НАВОЙЙ

ҲАЁТНИНГ ДОИМИЙ ТАЛАБИ

Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё наҳот, ё саодат, ё фалокат масаласидир», деган сўзларини кўп мушоҳада қиламан.

Комил инсон, баркамол авлодни вояга етказиш ҳар доим ҳам башариётнинг асосий мақсади бўлган. Одамзод тарихидаги барча эзгу ишлар, олижаноб интилиш ва қашфийлар оми-қўлими ана шу орузни рўйбга чиқариш билан боғлиқ.

Ота-она, ака-опа, бобо-момолар жаргўшуларининг бурро гапиришини истадади. Мактабгача тарбия муассасаларида богча опалар ҳам боланинг тушунарни тилда сўзлашишидан манфаатдор.

Яна бир тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маросим ҳақида. Халқ артисти, профессор ёки бирин мансабдорнинг 50 ёки 60 йиллик юбилейини катта тантана билан нишонлаймиз.

Қаҳҳор РАҲМОНОВ, Нурота туман таълим, фан ва маданият ходимлари бирлашган касабаси уюшмаси раиси

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

«Чинобод санаторийси» ОАЖ маъмурияти ва касабаси уюшмаси қўмитаси ҳамда кўп сонли жамоаси таъбиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Раъно Шайховага отаси Анвар ШАЙХОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчиларнинг сифини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Сурхондарё вилоятида ҳам бу борда мубайн ишлар амалга оширилмоқда.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

- «Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси томонидан баҳоси босқичма-босқич охири бори тартибда ўтказилаётган очик қимосиди савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 1. ОАТБ «Агробанк» Тошкент вилояти Паркент филиалига қарашли 2007 й. и/ч. дав/бел. 10 377 ЖАА бўлган «Ваз 21070-120-21» русумли автотранспорт воситаси, бошлангич нархи — 5 035 000 сўм.

Самад БЕРДИЕВ, Шахрисабз туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими бошлангич касабаси уюшмаси қўмитаси раиси

- 1. 2007 й. и/ч. дав/бел. 10 В1 117 бўлган «ТОУТА САМРИ ЛЕ» рус. автотранспорт воситаси, бошлангич нархи — 35 500 000 сўм. 2. 2007 й. и/ч. дав/бел. 10 В1 220 бўлган «ТОУТА САМРИ ЛЕ» рус. автотранспорт воситаси, бошлангич нархи — 36 200 000 сўм. 3. Тошкент шаҳар Сирғали тумани, Масон кўчаси 39-йўда жойлашган ОАЖ «Асака» банк Сирғали филиалига қарашли: 1. 2005 йилда иш/ч. дав/белг. 01 853 ТАА бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси, бошлангич нархи — 6 488 657 сўм. 2. 2003 йилда иш/ч. дав/белг. 01 854 ТАА бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси, бошлангич нархи — 4 495 056 сўм.

Insonga naf keltirish... Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi... Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov... Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BADAISOVA, Dovud MADIYEV... Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63... Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy... E-mail: ishonch2011@gmail.com... Nashr ko'rsatkichi: 133... Navbatchi muharrir: A.Qodirova... Navbatchi: A. Arslonov... Musahhah: S. Shodiyeva... Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullajilov... «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda narba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar filtri bahariyat nuqtai nazaridan tarqatishni mumkin.